

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 10 август, № 155 (5322) Чоршанба


# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА»




***"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" деб номланган янги китоби нашр этилди. Китобдан Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989 — 1991 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маърузa ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлар ўрин олган.***

Китоб шаклида илк бор чоп этилаётган бу чиқишларнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" деб номланиши, албатта, бежиз эмас. Бу китоб яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг ўлкамизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида ғолиб чиқиб, Президентлик қасамёдини қабул қилишигача бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади.

Китобга киритилган нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги ўта драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларда юз бергани, уларнинг тафсилоти, сабаб ва оқибатлари атрофлича ёритиб берилади.

Маълумки, 1989 йилнинг ўрталарида КПСС Марказий Комитети, совет ҳукумати томонидан Ўзбекистонга нисбатан қатағон сиёсати янги босқичда давом эттирилиб, "пахта иши", "ўзбеклар иши" деб ном олган сиёсий кампаниялар авж олган эди. Коммунистик партиянинг бош нашри бўлган "Правда" газетасининг "Олтин хазинаси устидаги илон" деб ном олган мақоласида, бошқа етакчи марказий нашрларда халқимиз бошига тинимсиз туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирилмоқда эди. Собиқ Марказдан юборилган, эл-юртимиз ўртасида "десантчилар" деб ном олган гуруҳлар томонидан қанча-қанча бегуноҳ инсонлар, бутун-бутун оилалар тазйиқ ва таъқибларга учраганини жамоатчилигимиз яхши эслайди.

Ана шундай оғир бир шароитда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидаги асрий орзу — истиқлол ғояси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани китобнинг асосий мавзусини ташкил этади. Агарки бу китобнинг маъно-мазмунини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, Ватанимиз мустақиллиги, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва ғояларни Ислом Каримов ўша долғали йиллардаёқ, узоқни кўрган ҳолда, ўзига нечоғлиқ аниқ-равшан тасаввур этгани мазкур тўпламнинг ҳар бир саҳифасидан бамисоли "қизил ип" бўлиб ўтишини таъкидлаш ўринлидир.

Шу давр мобайнида ўлкамизда рўй берган Фарғона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманган воқеалари пайтида, тарихда "ГКЧП" деб ном олган, СССР давлатининг сўнгги кунларида бир гуруҳ империяпараст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий тўнтариш чоғида ва бошқа шу каби ўта кескин вазиятларда Ислом Каримовнинг яккаю ягона тўғри йўлни топа олгани, халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб борганини тасдиқлайдиган тарихий манбалар ҳам ушбу китобда ўз аксини топган.

Мамлакатимизни жар ёқасига олиб келиб қўйган оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўнглаш, халқ дардига дармон бўлиш, йиллар давомида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида аҳолига уй-жой қуриш учун участка майдонлари ва томорқа ерлари ажратиш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли республика бўйича 700 мингта оилага ер берилгани, муаллиф таъбири билан айтганда, кичикроқ бир давлатнинг аҳолисига тенг бўлган 1,5 миллион янги оила пайдо бўлгани, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, одамларга кредит бериш, ўз хўжалигини юритиш учун уруғлик, чорва моллари ва парранда ажратишга қаратилган улкан ишлар ҳақида маълумот берадиган чиқишлар ҳам шу тўпламдан ўрин олган.

Бугунги кунда дунёда "ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт йўлимизнинг асосий принципларининг дастлабки куртаклари сокин кабинетларда эмас, аксинча, ўша йилларда кескин сиёсий курашлар, баҳс ва тортишувлар жараёнида туғилиб, 90-йилларга келиб яхлит таълимотга айлангани ҳақида ушбу китобдаги чиқишлар орқали ҳар томонлама тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Мустақиллик ғоялари кенг қанот ёза бошлаган, халқимиз озодлик ва эркинликка интилган бир пайтда юртимизнинг дадил қадамларини кўролмайдиган ғаразли кучлар собиқ Марказда ҳам, ўзимизда ҳам топилади. Бундай сиёсий ўйин ва фитналарга бир мисол сифатида 1991 йил 17-19 август кунлари — Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасида расмий сафарда бўлган пайтда юз берган воқеаларни келтириш мумкин. Мамлакат раҳбарининг Ўзбекистонда эмаслигидан фойдаланиб, юртимиздаги айрим раҳбарлар ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлайди, шу тариқа ўзининг сиёсий ва маънавий қиёфасини кўрсатади. Фақатгина Юртбошимизнинг мустаҳкам иродаси, оқилона ва вазмин сиёсати туфайли ГКЧП тарафдори бўлган сиёсий авантюристлар ўз қабиҳ ниятига етолмагани ҳам китобдаги чиқишларда ифодасини топган.

Афсуски, бугун вақт ўтиши билан ана шу воқеаларни кўрган-билган, уларга бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Яқин тарихимизнинг машъум бир даврида содир бўлган бу воқеаларни билмасдан, уларнинг моҳиятини чуқур англамасдан туриб, эл-юртимизнинг истиқлолга эришиш йўлидаги курашлар тарихини барча мураккабликлари билан тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур китобдан ўрин олган тарихий ҳужжатлар, нутқ ва маърузаларнинг бугунги ва эртанги кунимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга экани янада яққол аён бўлади.

Мухтасар айтганда, тўпламга киритилган ҳар бир чиқишни мутолаа қилиш жараёнида биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган яна кўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиз, истиқлол моҳиятини, **"тарихий бурилиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши"**ни янада чуқурроқ англаймиз.

Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби халқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол тарихини ўрганиш ва англашда беқиёс тарихий аҳамият касб этади.

**(ЎзА).**

***Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида юртимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимиз Тошкентда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шу кунларда пойтахтимиз кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.***

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА БАРЧА ҲАВАС ҚИЛАДИ

**Вензэль БОРМАН (Германия):**

— Тошкентда бундан етти йил аввал бўлган эдим. Ўшанда юртингизга яна келишни ният қилганман. Қисқа фурсат ичида шаҳрингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашибди. Тошкент шаҳрининг кенг, озода, файзли кўчалари, ям-яшил боғларида сайр қилиб, завқланиб тўймайсан киши.

Ўзбекистоннинг кўп жойларида бўлганман. Тошкент, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Бухоро каби шаҳарларингиздаги бетакрор меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ва маданий ёдгорликлар, замонавий иншоотлар, кенг ва равон йўллар кишида унутилмас таассурот қолдиради. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, ширинсуханлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги ҳар қандай одамни мафтун этади. Шунинг учун бу диёрга қайта-қайта келгим келаверади.

**Альваро ЭСТЕБАН (Испания):**

— Ўзбекистон ҳақида кўплаб китоблар ўқиганман.

### Дунё нигоҳи

Телевизор орқали юртингиз манзараларини томоша қилгач, менда бу ерга келиш истаги пайдо бўлди. Тошкентга келишим билан биринчи галда Мустақиллик майдонига бордим. Унинг тароватини таърифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон ва ундаги Мустақиллик ва эзгулик монументи, муҳташам бинолар ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан мамлакатингизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини намойиш этиб турибди. Улар халқингизнинг ғурур ва ифтихорини юксалтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Яқинда халқингиз Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлайди. Ушбу тантанага катта тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бунга ёрқин мисолдир.

(Давоми 2-бетда).

## ХУСУСИЙ МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

*Мамлакатимиз молия-банк тизими жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ўзининг барқарорлиги ва ишончлилигини тўлиқ намоён этди. Шу билан бирга, ушбу тизимнинг келгусидаги барқарорлигини таъминлаш молия-банк соҳасига хусусий капитални хусусий банклар, шунингдек, лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолия ташкилотларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини яратиш орқали жорий қилишга бевосита боғлиқдир.*

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Бу эса, ўз навбатида, молия ҳамда банк хизматлари бозорида рақобат муҳитининг кенгайиши ва мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ошишини кафолатлаб, энг юқори халқаро стандартлар талабларига жавоб берувчи замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун қулай имкониятлар яратади.

Шу боис давлатимиз раҳбари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини рвиожлантириш концепциясида хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган бошқа молиявий институтларнинг қонунчилик асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратган эди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ОРОЛБЎЙИДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА




**СУРАТДА:** ипак ўровчи оператор Наргиза Полвонова.

Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни тобора Мустақиллигимизнинг қутлуғ 20 йиллигига яқинлаштирмоқда. Шу боис юртдошларимизнинг қалбида ўзгача ҳаяжон, юз-кўзларида қувонч. Улар энг улуғ, энг азиз байрамимизни кўтаринки кайфият, зўр меҳнат муваффақиятлари билан қарши олиш ниятида бор имкониятларини ишга солиб, яратувчанлик ишқида ғайрат-шижоат кўрсатишаётир. Жумладан, Оролбўйи аҳолиси байрамга муносиб туҳфа ҳозирлаш тараддудини аллақачон бошлаб юборган.

Шу мақсадда саноат корхоналарига замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги қувватларни ишга туширишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Бунинг натижасида 2011 йилнинг биринчи чорагида саноат корхоналарида 1000 га яқин иш ўринлари яратилиб, қарийб 170 миллиард 500 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

(Давоми 2-бетда).

### Август — ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи

## ХИРМОННИ ЧАМАЛАШ ПАЛЛАСИ

***Қашқадарёлик 5040 нафар фермер бу йил 160 минг гектардан ортиқ майдонда ғўза парваришлаяпти. Улар ҳосил тақдири ҳал бўладиган август ойида ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида, сифатли ўтказиш, айниқса, экинни чанқатиб қўймаслик пайидан бўлишмоқда. Чунки суғориш кечиктириб юборилса, ғўза гули тўкилиб, ҳосил тугунчаларига зарар етади. Оқибатда ялпи ҳосилдорлик пасаяди.***

Аслида, пахтакорлар учун ғўзани ҳозирги ҳолатига етказиш осон кечмади. Айни экин-тикин мавсумида намликнинг меъёридан паст бўлиши, вегетация даврида сув тақчиллиги кузатилиши деҳқонларимизни қаттиқ синовдан ўтказди. Бундай пайтда кўп йиллик тажриба ва омилкорлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Ҳозир тўлиқ ундириб олинган ниҳоллар баравж ривожланаяпти. Ҳосил нишоналари, бўлиқ кўсакларнинг кўплиги хирмоннинг мўл бўлишидан далолат бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов вилоятимизга ташрифи чоғида фермерларга ғўза парваришида асосий эътиборни агротехника тадбирларини ўз вақтида олиб бориш, маҳаллий ўғит тўплаш ва ундан самарали фойдаланиш орқали сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлаганди.

Чиндан ҳам, сувни иқтисод қилишда маҳаллий ўғитдан фойдаланишнинг аҳамияти беқиёс. Чунки қатор ораларига "шарбат" оқизилса, экин қониб сув ичади, нам ерда узоқ сақланиб, сувга бўлган талаб бир неча кунга узаяди. Шунинг учун вилоятимизда суғориш фақат "шарбат" усулида бажарилаяпти. Бунинг учун керакли миқдорда маҳаллий ўғит жамғарилгани, махсус ҳандақлар тайёрлангани айни муддао бўлди. Шоналар гулга, гуллар кўсакка айланиб, ҳосилга ҳосил қўшилаяпти. Бўлиқ кўсаклар сони кун сайин кўпаймоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, воҳада яққол сезилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатишда вилоят ҳокимининг махсус қарори асосида қабул қилинган Сув ресурсларини иқтисод қилиш ва қишлоқ хўжалигини обиҳаёт билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури қўл келаяпти. Гап шундаки, дастурга мувофиқ, қўшимча манбалар ишга солиниб, далаларга

(Давоми 2-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

## ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган "Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Тошкент шаҳри ва Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Навоий, Қашқадарё, Андижон, Сурхондарё вилоятида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳрида 12 радиочастота бўйича келиб тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Комиссия томонидан теледастурларни тарқатиш ва маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, комиссия фаолиятига доир бир қатор масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ХУСУСИЙ МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бунда, албатта, “Хусусий банклар ва молиявий институтлар ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган бошқа молиявий институтларни ташкил этишнинг қонуний пойдеворини белгилаш ҳозирги замон бозор иқтисодиёти инфратузилмаси тараққиёти учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Мазкур Қонунда хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган бошқа молиявий институтларнинг ташкил этилиши тартиби, уларнинг фаолият юритиши кафолатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу ташкилотлар фаолиятига асоссиз аралашувини тақиқловчи нормаларни акс эттиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айни пайтда бундай молиявий институтлар таъсисчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган бошқа молиявий институтлар фаолиятида фуқаролар ҳамда бошқа мулкдорларнинг эркин иштироки ва қизиқишини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, қонун билан уларнинг бизнес қобилиятини кўтариш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида урғу бериш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунда хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган бошқа молиявий институтлар тушунчасини ўрнатиш муҳимдир. Улар сирасига банк-молия хизматларини кўрсатувчи хусусий банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, лизинг компаниялари, суғурта ташкилотлари ва бошқа юридик шахсларни киритиш эътиборга моликдир.

Ҳар қандай тадбиркорлик субъектининг барқарор ривожланиши, аввало, унинг фаолияти қонун билан мустаҳкамланганида, турли бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилганида намоён бўлади. Шу сабабли хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган бошқа молиявий институтлар субъектларини ташкил этишда маъмурий тўсиқларни имкони борича камайтириб, улар фаолиятининг асосий қоида ва шартлари, фаолиятни лицензиялаш тартибини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда мазкур институтлар фаолиятининг мулкий асослари қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмоғи лозим. Қонун лойиҳасига ушбу йўналишдаги молиявий институтлар субъектлари мол-мулклари эгаларига мазкур мулкка эркин эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишни кафолатловчи нормаларни киритиш зарур.

Давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ушбу ташкилотлар фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик ва уни чеклашни назарда тутувчи нормаларнинг “Хусусий банклар ва молиявий институтлар ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топиши хусусий банклар ва молиявий ташкилотлар фаолиятининг давлат томонидан кафолатланишини ва қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Ўз навбатида, уларнинг фаолияти бўйича ўтказиладиган текширишларни маълум даражада чегаралаш ва назорат қилиш мазкур институтларнинг эркин фаолият юритишлари учун замин яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунда хусусий банклар ва молиявий институтларни корпоратив тарзда бошқаришнинг хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, таъсисчи, кузатувчи ва ижро этувчи органлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш ҳамда улар ваколатларининг чегараланиши хусусий банклар ва молиявий институтлар фаолиятида самарали бошқарувни шакллантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, келгусида давлат ҳокимияти органлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг ушбу институтлар фаолиятига асоссиз тарзда аралашувига чек қўйиш мақсадида хусусий банклар ҳамда молиявий институтлар субъектларининг активлари ва даромадлари масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш зарурдир.

Хулоса ўрнида айтганда, “Хусусий банклар ва молиявий институтлар ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишини таъминлаб, энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

**М. РАДЖАПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси.**

## Маҳалла маслаҳатчилари танлови

***Бухоро шаҳрида “Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.***

“Маҳалла” жамғармаси республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ҳамда Бухоро вилоятларидан вакиллар қатнашдилар.

Танловнинг барча шартларида фаол иштирок этган Навоий шаҳридаги “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гулбаҳор Раҳмонова ғолиб, деб топилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

***Қашқадарёда фуқаролик жамияти институтлари тараққиётига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда қуйи палата депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

**Анжуман**

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга катта эътибор қаратилди. Бу борада икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ҳамда таклифлар мазмун-моҳиятида ҳам “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини қарор топтириш ўз ифодасини топган.

Семинарда юртимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг юксалиши, фуқароларнинг ижтимой-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги ортишини таъминлаётганлигига урғу берилди.

— Бугун “учинчи сектор” дея эътироф этилаётган фуқаролик жамияти институтлари олдида катта масъулиятли вазифалар турибди, — дейди қўмита аъзоси А. Эшмуродов. — Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Тадбирда Олий Мажлис ҳузурида тузилган Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Қашқадарё вилоятидаги бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам мазкур фонд томонидан эълон қилинган танловларда фаол иштирок этиб, грантлар олишга муваффақ бўлганлиги эътиборга лойиқ.

Семинарда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси дастуриламал бўлиши алоҳида эътироф этилди. Чунончи, унда амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурати белгилаб берилган. Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан айни пайтда “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича қатор ишлар қилинмоқда.

Анжуманда, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролар қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли, уларнинг жамиятдаги аниқ йўналтирилган ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги иштироки, бу борада оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликнинг аҳамияти каби мавзулар муҳокама қилинди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОРОЛБЎЙИДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА



(Давоми. Боши 1-бетда).

Байрам арафасида меҳнат жамоаларининг бу каби ютуқлари янада кўпаяётгани кишини қувонтиради. Яқинда Амударё туманида иш бошлаган “ASIA SILK” шўъба корхонаси ана шундай эзгу интилишлар рўёби бўлди.

Ипак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхона йилига 250 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга. Бунинг учун қиймати 290 минг АҚШ долларилик замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилгани жаҳон бозорида талаб юқори бўлган сифатли ипак ишлаб чиқариш имконини берди. Қувонарлиси, мавжуд дастгоҳ ва ускуналар 50 нафар маҳаллий йигит-қиз томонидан бошқарилмоқда. Наманган ва Хоразм вилоятларидаги турдош корхоналарда малака орттириб келган бу ёшлар тайёрлаётган маҳсулот тезда эл оғзига тушди. Пировардида маҳаллий ва хорижий корхоналардан кўплаб буюртмалар туша бошлади. Бугунги кунга қадар ишлаб чиқарилган 12 тонна ипак тўлиқ сотилгани, унинг 297 миллион сўмлиги ички бозорга, қолган қисми эса чет эллик буюртмачиларга етказиб берилгани бунинг яққол далилидир.

Рақобатбардош маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган ушбу корхона жамоаси айни пайтда янги пилла ҳосилини қайта ишлашга киришди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Хоразм томонларда

***Боғот туманида ҳалқали калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Kopotex” корхонаси иш бошлади.***

### Салмоқли буюртма

“Коттонтекс” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси таъсисчилари томонидан ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 2,3 миллион АҚШ долларилик инвестиция ажратилди.

Ҳозир 100 киши меҳнат қилаётган корхонада хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида йилига 9 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилди. Ҳозирданоқ корхона маҳсулотларига хорижлик ҳамкорлардан 6,1 миллион АҚШ долларилик буюртмалар келиб тушгани эътиборлидир.

***Боғотлик тадбиркор Ҳабибулла Юсупов кичик бизнес субъектлари учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, Бешариқ қишлоғида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.***

### Кредит – ишлаб чиқаришга

Айни пайтда бу ерда банкнинг 30 миллион сўмлик кредити ҳамда тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобига замонавий технологиялар ёрдамида кунига ярим тоннадан ортиқ сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланиб, ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

Диққатга сазовор томони шундаки, туманда жорий йилнинг биринчи ярмида 9 миллиард 579 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА БАРЧА ҲАВАС ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Яозу СЯХОУ (Хитой):**

— Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда кўплаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Юртингиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигига ҳавас қилса, арзийди. Ўзбекистон пойтахти — Тошкент узоқ асрлардан буён ўз меъморий обидалари, етук алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан барчани ҳайратга солиб келади. Қадимда барча карвонлар Буюк Ипак йўлининг марказий шаҳарларидан бўлган Шош орқали ўтишни афзал билган. Бугун ҳам Тошкент Марказий Осиёдаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий марказдир.

Юксак интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон ёшлари истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, барча соҳаларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этаётганидан хабардорман. Бу мамлакатингизнинг истиқболи янада порлоқ эканидан далолатдир.

**Моҳам Ашраф ҲАФИЗ (Малайзия):**

— Ўзбекистон — Аллоҳ назари тушган юрт. Мамлакатингизда мустақиллик йилларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, Тошкент бутунлай ўзгариб, замонавий қиёфа касб этибди. Буни Мустақиллик майдони мисолида яққол кўриш мумкин. Истиқлолингиз рамзи бўлмиш ушбу муаззам майдон пойтахтингиздаги энг гавжум ва серфайз масканлардан бири. Мустақиллик ва эзгулик монументида ўзбек халқининг эзгу ниятлари ўз ифодасини топган. Ўзбекистонга бир келган сайёҳ бу ерга яна келсам, дейди.

**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

# УФҚЛАРГА ТУТАШГАН ЙЎЛЛАР

***Толибжон ака Мирзараҳимов чинакам фидойи инсон. У бутун умр йўл қурилиши соҳасида меҳнат қилди. Ҳозир нафақада бўлишига қарамай, шогирдлари ишлаётган Қамчиқ довони, янги барпо этилаётган ёки таъмирланаётган йўллардан қадамини узмайди…***

Биз Андижонни Марказий Фарғона ҳудудлари билан боғловчи “Шаҳрихон — Ёзёвон” катта йўли бўйлаб борарканмиз, Толибжон ака “Илгари мана бу йўлнинг кенглиги нари борса, саккиз метргаям бормас эди, хавфли бурилишлар, ўнқир-чўнқирлар шу қадар кўп эдики, ҳайдовчилар тезликни ошириш у ёқда турсин, жонларини ҳовучлаганча, бир амаллаб манзилга етиб олиш илинжида бўлардилар”, деб қолди. Табиийки, бу сўзлар беихтиёр бугунги манзарага янада теранроқ назар ташлашга ундади, кишини. Кенг ва равон йўллар. Атроф гулларга бурканган. Одамнинг баҳридили очилади.

— Истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг қон томири ҳисобланган янги-дан-янги йўлларнинг бунёд этилиши мамлакатимиз инфратузилмаси ривожланишига хизмат қилмоқда, — дейди “Ўзавтойўл” давлат-акциядорлик компаниясининг “Андижонавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхонаси раҳбари Раҳимжон Исоқов. — Хусусан, Андижонда ҳам халқаро аҳамиятга молик 103, республика аҳамиятидаги 800, вилоят аҳамиятидаги 880 ҳамда маҳаллий 680 километрлик йўллар мавжуд. Бугун вилоятимиз ҳудудидаги барча йўллар кенгайтирилди. Автомобилларимиз тўрт ва олти қаторли йўлларда ҳаракатланмоқда. Ҳайдовчи ва йўловчилар учун мукаммал хавфсизлик чоралари кўрилган.

Шаҳрихонлик тадбиркор Комилжон Отахоновнинг фикрича, кейинги йилларда бунёд этилган, ҳавас қилса арзигулик равон йўллар бўйида бири-биридан муҳташам савдо, овқатланиш, сервис хизмати шохобчалари ҳам қад ростлади. Натижада минглаб иш ўринлари яратилди.

— Шаҳрихонга кираверишда биз ҳам гузар барпо этганмиз, — дейди тадбиркор. — Мустақиллигимиз шарофати билан бунёд этилган мазкур мажмуани “Шукрона” деб номладик. Шаҳримизга кириб келган меҳмон борки, обод кўчаларимиз, кенг ва равон йўлларимиздан сўз очиб, Андижоннинг гўзаллигини алқайди. Бу бизга чексиз фахр бағишлайди.

...Йўллар созлигини таъминлаш, янги кўприклар қуриш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бу ишларни амалга ошириш учун илғор технологиялар, қудратли техникалар зарур. Қувонарлиси, сўнгги йилларда андижонлик йўлсозлар хорижнинг энг замонавий техника ва технологиялари асосида иш юритишмоқда. Бу эса ўз самарасини бераётир. Масалан, бундан уч йил муқаддам “Фарғона ҳалқа йўли”нинг 129-километри билан “Куйганёр — Сиза — Эски Ҳаққулобод” йўлининг 14-километрини бирлаштирувчи янги йўл қуришга киришилган эди. Мазкур мураккаб муҳандислик ечимига эга иншоотни барпо этиш учун Қорадарё устидан 260 погонметр узунликдаги кўприк ўтказилди. Бунга 8 миллиард 205 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Айни пайтда бу йўл одамларнинг узоғини яқин қилиши баробарида, иқтисодиётимизга ҳам катта наф келтирмоқда.

Бугунги кунда йўлсозларимиз мустақиллигимизнинг 20 йиллигига муносиб совға ҳозирламоқдалар. Жорий йил бошидан буён вилоятнинг шаҳар ва туманларини ўзаро боғловчи 86,6 километрлик масофадаги йўллар тўла таъмирдан чиқарилаётир. Энг муҳими, бундай эзгу ишлар нафақат энг улуғ, энг азиз байрам арафасида, балки ҳар куни, ҳар дам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Асосий мақсад, юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш экан, демак, йўлларимиз равон, шаҳару қишлоқларимиз кундан-кун обод бўлиб, чирой очаверади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХИРМОННИ ЧАМАЛАШ ПАЛЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

белгиланган муддатларда сув етказиб берилаяпти. Сувчилар сони кўпайтирилиб, уларга зарур шароитлар яратилгани эса суғоришни тунда ўтказиш, сув сарфини қатъий назорат қилиш имконини туғдираётир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, август ойида ғўзалар ўсиш даражасига қараб, турли ривожланиш фазаларида бўлади. Шунинг учун агротехника тадбирларини ўтказишдан олдин экиннинг ҳолати атрофлича ўрганилиши зарур. Масалан, август ойида культиваторлар қатор ораларидан чиқарилмагани маъқул. Чунки ғўза, асосан, илдизидан озиқланади. Қатор ораларининг тез-тез юмшатилиши тупроқдаги ҳаво алмашинувини яхшилаб, ҳосил ривожи учун қулай микроиқлимни вужудга келтиради.

Мазкур агротадбирнинг бажарилиши жараёнида, жумладан, ҳосил шохларига асло зарар етказилмаслиги, яъни кўсакларнинг тўкилмаслигига эришишда ҳам наф кўп. Бунинг учун агрегатнинг барча ишчи қисмларини “балиқ сирти” шаклида ўраб, уни “йўрттириб” эмас, балки “одимлатиб” юргизиш талаб қилинади. Шунда ғўзанинг илдиз тизимига зарур бўлган ҳаво ва иссиқлик яхши ўтиб, унинг ривожи жадаллашади ҳамда бегона ўтлар бутунлай йўқолади.

Айни пайтда вилоятда ғўзани чеканка қилиш, зарарли ҳашаротларга қарши курашиш каби муҳим агротехника тадбирлари ҳам кучайтирилган. Қисқача айтганда, фермерлар халқимизнинг “Асад — экинингни ясат” мақолига амал қилиб, ғўзаларни, чин маънода, “ясатмоқда”. Бундай ниҳоллар шиғил кўсак олиши, кўзланган ҳосилни бериши, шубҳасиз.

**Баҳодир ШОКИРОВ,**
**Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг Қашқадарё вилояти филиали раҳбари.**

# СИФАТЛИ, АРЗОН, ХАРИДОРГИР

***Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги “Яйпан шифер” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган шифернинг сифати юқори, нархи нисбатан арзонлиги боис маҳсулотга талаб тобора ошмоқда.***

Жорий йилда корхона жамоаси истеъмолчиларга 1 миллиард 500 миллион сўмлик шифер етказиб берди. Айни пайтда буюртмачилар сони кўпаймоқда.

— Маҳсулотимизни буюртмачиларга узлуксиз етказиб бермоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Тоҳиржон Қўзиев. — Замонавий технология асосида иш юритаётганимиз маҳсулот сифати ва ишимиз самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Эллик нафардан ортиқ ёшлар меҳнат қилаётган ушбу корхонада шифер чиқиндиларидан қурилишда кенг қўлланиладиган шлакоблок тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмоқда.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 714,6 ▼ - 2,5 | УН биринчи нав 527,1 ▲ + 13,2 | УН иккинчи нав 466,4 ▼ - 4,3 | ПАХТА ЁҒИ 1690,3 ▼ - 25,3 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 229,9 ▼ - 0,6 |

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖИ

## давлат ва жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга

***Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидaноқ телекоммуникация тармоқларига илғор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб борилмоқда.***

**Тадбир**

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон алоқа тарихи музейида ўтказилган "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари" мавзуидаги брифингда шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда таъкидланганидек, телекоммуникация тармоқларини янада юксалтириш ва модернизация қилиш борасидаги қатор истиқболли лойиҳалар мамлакатимизнинг алоқа инфратузилмасини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда республиканинг туман марказларигача бўлган ҳудуддаги эскирган телефон станциялари замонавий, рақамли телефон станцияларига алмаштирилди. Оптик толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги рақамли каналлар ташкил этилди. Бундай ислоҳотлар симсиз технологиялар, жумладан, мобиль алоқа тизимининг жадал ривожланишига асос бўлаётир. Бугун "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси 2 мингдан ортиқ АТСга эга бўлиб, уларнинг 93,9 фоизи рақамлаштирилган.

Соҳа мутахассислари қайд этишганидек, юртимизда интернет тизими ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳозир юртимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 7,7 миллиондан зиёдни ташкил этаётгани бунинг яққол исботидир. Жумладан, биргина мобиль алоқа операторлари интернет хизматларидан 4,27 млн. нафар абонент фойдаланмоқда. Жорий йилнинг 2 июлидан провайдерларга интернет-хизматлари тарифлари 1 Мбит/с. учун 688 АҚШ долларигача пасайтирилди, халқаро интернет тармоқларига чиқиш тезлигини эса 4 баробарга, яъни 10 Гбит/с. гача ошириш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, жорий йилда 950 км. узунликда оптик алоқа линиялари ташкил этилиши белгиланган бўлиб, шу кунга қадар унинг 432,45 километрга тенг қисми қуриб битказилди. Жорий йил "Электрон таълим" миллий тармоғини қуришнинг биринчи босқичини тугаллаш ва дастлаб республиканинг 79 та олий таълим муассасасини, кейинчалик эса барча олий таълим муассасаларини ҳамда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш режалаштирилган. Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи янги ўқув йили бошланиши билан ишга туширилади.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси жорий йил охиригача бутун мамлакат бўйлаб "ягона ойна" тамойили бўйича 50 та брендлаштирилган абонент пунктларини жиҳозлашни режалаштирган. Шунингдек, пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида 26 та абонентлар пункти ҳам очилади. Бу эса "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг давр билан ҳамқадам тарзда дадил одимлаётганидан даракдир.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**




● Реклама ва эълонлар ●




**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

*Ҳурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар!*

**Тижорат банклари томонидан банк хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатларига риоя этилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки унинг ҳудудий бош бошқармаларида мунтазам ишлаб келаётган**

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»га**

**қўнғироқ қилишингиз мумкин.**

Мутахассислар томонидан сизнинг мурожаатингиз қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, уларда кўтарилган масалаларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этиш юзасидан барча зарурий чоралар амалга оширилади.

**«Ишонч телефони»нинг рақамлари:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Марказий банкнинг республика аппарати | (8-371) 212-61-95, 212-61-96 |
| 2. | Қорақалпоғистон Республикаси | (8-361) 224-12-02 |
| 3. | Андижон вилояти | (8-374) 224-45-97 |
| 4. | Бухоро вилояти | (8-365) 223-01-32 |
| 5. | Жиззах вилояти | (8-372) 226-28-38 |
| 6. | Қашқадарё вилояти | (8-375) 221-11-32 |
| 7. | Навоий вилояти | (8-436) 226-10-97 |
| 8. | Наманган вилояти | (8-369) 226-41-11 |
| 9. | Самарқанд вилояти | (8-366) 231-08-69 |
| 10. | Сирдарё вилояти | (8-367) 228-74-28 |
| 11. | Сурхондарё вилояти | (8-376) 227-52-71 |
| 12. | Тошкент вилояти | (8-371) 244-73-25 |
| 13. | Фарғона вилояти | (8-373) 224-09-38 |
| 14. | Хоразм вилояти | (8-362) 226-18-95 |
| 15. | Тошкент шаҳри | (8-371) 212-62-58 |

**Шунингдек, интернет орқали ҳам мурожаат қилишингиз мумкин: webmaster@cbu.uz, info@cbu.uz**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.*

1009R/927

**Интилиш**

**Шаҳрихон туманида полиэтилен қувурлар ҳамда пойабзаллар учун тагчармлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "ELEGANT SHOES AND" корхонаси фойдаланишга топширилди.**

## Маҳсулот сифатли, харидори кўп

Лойиҳа ҳозирдан ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, корхона жамоаси буюртмачиларга дастлабки 3,1 тонна полиэтилен қувур ҳамда 11,5 минг жуфт тагчарм етказиб берди.

Туманда шу йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш эвазига 117 кишининг бандлиги таъминланди.

**Ш. ОДИЛОВ.**

«Potolok-stroy-servis» ХК

Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари

600 x 600 мм, 610 x 610 мм.

Ассортимент — 22 турда.

Тел.: 325-37-77, 370-90-95.

36R/1238




Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фахрий ҳуқуқшунос

**Ҳалима МУҲИТДИНОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Тиббий радиология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

**Шаҳобиддин МИРҒАНИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши компания соғлиқни сақлаш хизмати бошлиғи Анвар Мирагзамовга падари бузруквори

**МИРСОЛИҲ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Информацион технологиялар кафедрасининг доценти Бозорбой Султоновга падари бузруквори

**СУЛТОН бобонинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 255,4 ▼ - 38,7 | ШРОТ 260,8 ▼ - 4,6 | ШЕЛУХА 100,6 ▼ -1,7 | ПОЛИЭТИЛЕН В-Y 460 5036,1 ▼ -72,8 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4920,1 ▲ +165,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4688,4 ▼ - 69,1 | МАЗУТ 351,6 ▲ + 10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 1648,9 ▲ + 307,8 | КЎМИР(бпк) 84,8 ▲ + 0,5 |

# МАҲОРАТ БЕЛЛАШУВЛАРДА ТОБЛАНАДИ

***Юртимизда ҳар йили энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёмига бағишлаб турли спорт мусобақалари, фестиваллар, турнирлар ташкил этиш анъанага айланиб бормоқда.***

Яқинда 1997-1998 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида баскетбол бўйича ўтказилган республика мусобақаси ҳам ана шундай беллашувларнинг навбатдагиси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган жамоалар иштирок этди.

**Баскетбол**



— Бу каби беллашувлар навқирон авлодни баркамол қилиб вояга етказиш, улар ўртасида спортни оммалаштириш ва юртимизда баскетболни янада ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди жамғарма бўлими бошлиғи Х. Насруллаев. — Яна бир аҳамиятли томони, мазкур мусобақа келгуси йили Навоий шаҳри мезбонлик қиладиган "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари олдидан вилоят терма жамоалари учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтаб берди.

Юздан ортиқ ёш спортчилар иштирок этган турнирда ўғил болалар ўртасида пойтахтлик ёшлар биринчи ўринни эгаллаган бўлса, навоийлик ҳамда фарғоналик умидли баскетболчилар кучли учликдан жой олди. Қизлар ўртасида ҳам Тошкент шаҳри жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади. Наманган ҳамда Сурхондарё вилояти вакиллари эса кейинги совринли ўринларни қўлга киритишди.

— Бизнинг Жарқўрғон туманимизда ҳам спорт билан шуғулланишимиз учун барча имкониятлар бор, — дейди қизлар ўртасида учинчи ўринни эгаллаган Дилнора Йўлдошева. — Баскетбол сирларини ўрганишимиз учун шинам зал, энг замонавий спорт анжомлари ихтиёримизда. Тажрибали мураббийлар қўл остида биринчиликка астойдил тайёргарлик кўрдик. Интилишимиз якунда ўз самарасини берди. Яна шуни айтишни истардимки, спорт туфайли пойтахтимизни саёҳат қилиш имконига эга бўлдик.

Спорт тадбири давомида иштирокчилар Ўзбекистон баскетбол терма жамоаси аъзоларининг кўргазмали чиқишларига ҳам гувоҳ бўлишди.

**С. МАХСУМОВ.**
**Н. ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

**Ҳозир дунё бўйича қарийб 40 миллион нафар аёл футболчилар бўлиб, уларнинг асосий қисмини 20 ёшгача бўлганлар ташкил этар экан. Эътиборлиси, Норвегия, Швеция, Италия, Германия ва АҚШда профессионал чарм тўп усталарининг 40 фоизи назокат маликаларидир. Хитой ва Японияга нисбатан ҳам шундай дейиш мумкин. Ушбу мамлакатларда аёллар футболи лигалари ҳам фаолият юритади.**

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЮРТИМИЗДА ЎТАДИ

**Нуфузли мусобақа мезбонлигига ФИФА Ўзбекистонни муносиб, деб топгани ҳам эътироф, ҳам мамлакатимизда спортга берилаётган эътиборнинг амалий тасдиғидир.**

Мазкур спорт турининг ривожланиш тарихи ўзига хос. Масалан, Чин ўлкасидаги илдизи тахминан 2000 йилга тааллуқли деворий расмларда тўп ўйнаётган аёллар тасвирлари топилган. XVII асрда Шотландия шаҳарларидан бирида опа-сингил маҳалладошлар ўртасида ўйинлар ўтказилгани ҳақидаги ёзма маълумотлар бор. Бу борадаги биринчи клуб Англияда 1895 йили "Бритиш Лэди Футбол Клаб" номи остида вужудга келган.

Дастлабки халқаро мусобақа эса 1969 йилга келибгина ташкил этилган. Унда италияликлар даниялик дугоналари устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган. Шу даврда Халқаро Европа аёллар футболи федерациясига асос солинди. Орадан бир йил ўтиб, Италия норасмий жаҳон чемпионати — "Coppa del Mondo"га мезбонлик қилди.

1986 йилда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси — ФИФА томонидан Аёллар футбол қўмитаси ташкил этилди. 1988 йили синов тариқасида Хитойда расмий турнир ўтказилди. Беш қитъадан қатнашган 12 жамоа орасида Норвегия финалда қўшниси Швецияни мағлубиятга учратди. Бу эса 1991 йилда илк расмий мундиални ташкиллаштиришга пойдевор яратди. Чин ўлкаси мезбонлик қилган биринчиликда АҚШ термаси сўнгги баҳсда норвегиялик рақибаларидан 2:1 ҳисобида устун келиб, жаҳон чемпионига айланди. Шундан сўнг мусобақа ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган бўлди. Айнан ушбу тадбир аёллар футболининг мустақил тарзда тез ва кенг оммавийлашиб, тараққий топишига туртки бўлди. 1999 йилги биринчиликни 650 минг ишқибоз бевосита, 70 дан зиёд давлатда бир миллиарддан ортиқ мухлис телеэкран орқали томоша қилгани бунга яққол мисолдир.

Таъкидлаш жоизки, 1996 йилдан бошлаб мазкур спорт йўналиши Олимпия ўйинлари таркибига киритилди. Унда 16 ёшдан кичик бўлмаганлар қатнашиши мумкин.

ФИФА 2002 йилда 20 ёшгача бўлган қизлар (U-20) ўртасидаги мундиал анъанасини ҳам йўлга қўйди. Шу пайтгача Канада, Таиланд, Россия, Чили, Германиядаги мусобақаларда АҚШ ва германиялик қизлар икки мартадан, Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) вакилалари бир марта олтин медалга сазовор бўлди.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини халқаро экспертлар, жумладан, ФИФА президенти Йозеф Блаттер ўз фикрларида алоҳида билдириб ўтди.

— Фаолиятим давомида дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, — дейди улардан бири, таниқли мутахассис Моника Штааб. — Айниқса, Ўзбекистонда футбол, хусусан, аёллар ва

**Футбол**

қизлар футболи ривожи учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳавас қилишга ва намуна олишга арзигуликдир. 2012 йилги жуда йирик ва глобал мусобақа мезбонлиги мамлакатингизга ишониб топширилганининг боиси ҳам шу, аслида.

Бундай хушхабарни барча юртдошларимиз, айниқса, ишқибозлар катта қувонч билан қарши олдилар. Дарҳақиқат, истиқлол туфайли бир пайтлари тасаввурга ҳам сиғмайдиган орзулар амалга ошмоқда. Бунда юртимизда "миллионлар ўйини" равнақи учун имкониятлар эшиги кенг очиб берилгани муҳим аҳамият касб этаётгани, шубҳасиз. Мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворнинг яратилгани эса кўзланган мақсадларга изчил эришишга замин бўлаётир. Чунончи, 1994 йилда аёллар футбол терма жамоаси ташкил этилди. 1995 йилдан бошлаб улар ўртасида маҳаллий чемпионат ташкиллаштирилиб келинмоқда. Дастлаб пойтахтнинг "Баҳо" жамоасига омад кулиб боқди. Терма жамоамиз эса шу йили Малайзияда ўтган Осиё чемпионатида иштирок этиб, халқаро майдонда дастлабки ғалабасини ҳиндистонлик дугоналари устидан қўлга киритди.

***Бугунги кунда "Андижанка" (Андижон), "Севинч" ва "Олимпия" (Қарши), "Ёшлик" (Бухоро) "Шердор" (Самарқанд) каби клублар аёллар футболи ривожида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Жумладан, водий клуби мамлакат чемпионатининг етти карра ва тўрт бора кубок ўйинлари ғолиби бўлган. "Севинч" эса 2004, 2006 — 2010 йиллар оралиғида биринчиликни ҳеч кимга бермаган бўлса, бир неча бор кубок эгасига айланди.***

2008 йил декабрь ойида мамлакатимиз футбол федерацияси томонидан Ўзбекистон аёллар футболи, аёллар минифутболи (футзал) ва соҳил футболи ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу ташкилотга 2009 йилда расмий мақом берилди. Бу эса соғлом авлод давомчилари орасида футбол, футзал ва соҳил футболини кенг оммалаштириш ҳамда қилинаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди. Пировардида қисқа вақт ичида қатор ютуқларга эришилди.

— Ҳозиргача яшил майдонларда кўплаб ёш ва иқтидорли юлдузлар кашф этилди, — дейди ассоциация етакчи мутахассиси Алишер Файзиев. — Уларнинг орасида Маҳлиё Юсупова, Азиза Норова, Феруза Турдибоева, Людмила Карачик, Гулсара Ҳақбердиева, Шаҳзода Жамолова, Саида Ҳамдамова, Селиме Гугуева каби чарм тўп усталари номи халқаро майдонларда ҳам анча таниш бўлиб қолган. Юртимиз қабул қиладиган мусобақада улардан умидимиз катта. Умуман олганда, ҳозир мингдан ортиқ қизлар футбол билан ошуфта. Уларнинг асосий қисмини қишлоқ ёшлари ташкил этади. Бу эса соғлом рақобат муҳитини кучайтириш ва иқтидорлиларни саралаб олиш имкониятини оширмоқда.

Эътиборлиси, мамлакат чемпионати ва кубок ўйинларида тобланган вакилаларимиз орасидан шакллантирилган жамоа халқаро мусобақаларда ҳам ишончли иштирок этиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, дунёнинг ҳамма давлатларига ҳам футбол бўйича жаҳон чемпионатини қабул қилиш ваколати топширилавермайди. Тинчлик ва тотувлик ҳукмрон бўлган, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор мамлакатгина ана шундай баҳога лойиқ кўрилади. Ўзбекистонга мундиал ишониб тақдим этилгани аслида осойишталик ва фаровонлик шарофатидандир. Ўз навбатида, "ЖЧ — 2012" мезбонлиги она-Ватанимизга бўлган қизиқишни ошириш, туризм ва спорт индустриясини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**М. ҚОСИМЖОНОВ.**

**Санъат**

# МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ

***Бухорода республика Ногиронлар жамияти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Мафтункор ранглар олами" расмлар кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Ногирон болалар ўртасида ўтказилаётган бу тадбир ўғил-қизларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга. Бу галги баҳсда ҳам болажонлар ўзларининг она-Ватан, юртимизнинг бетакрор табиати, тинчликни мадҳ этувчи асарлари билан иштирок этдилар.

Танлов якунида Когон туманилик Зарина Саидованинг расмлари биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Шунингдек, Бухоро тумани вакили Сирож Муродов ва Бухоро шаҳрилик Алишер Расулов ҳам совриндорлар қаторидан ўрин олди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Гўзал диёр манзаралари

***Самарқанд шаҳрида "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилаётган анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

**Танлов**

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган иштирокчилар ўзларининг фотосуратлари, дизайн ҳамда тасвирий санъат асарлари билан қатнашишди.

Якунда дизайн йўналиши бўйича Гулмира Нариддинованинг ишлари биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Хушнуд Ҳошимовнинг юрт манзараларини ўзида акс эттирган фотосуратлари ҳамда Феруза Дониёрованинг тасвирий санъат асарлари ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Эндиликда ғолиблар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«LASER OPTICA» клиникаси жамоаси

юртимиз аҳлини мамлакатимиз

Мустақиллигининг 20 йиллик

шодиёнаси билан самимий табриклайди!

Барча юртдошларимиз қаторида давлатимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётганимиздан мамнунлигимизни билдириб, сизларга сиҳат-саломатлик тилаймиз.

БИЗНИНГ КЛИНИКАДА:

кўриш ўткирлигини тиклаш, кўзойнак ёки контакт линзалардан воз кечиш, бевосита кўриш лаёқатини яхшилаш имкониятлари мавжуд.

Муаммоларингиздан 15 дақиқада фориғ бўлишни истасангиз, бизга мурожаат қилинг.



Ишонинг, биздаги салоҳият дунёнинг саноқли давлатларидагина мавжуд.

Мурожаат учун телефонларимиз: 492-22-20, 745-55-50.

934R/786



• Реклама ва эълонлар •

«AGRI PARTS OSIYO»

**қишлоқ хўжалиги, юк ташиш ва йўл қурилиш техникаси учун эҳтиёт қисмларни, жамланмаларни Ўзбекистон бозорига кўп йиллар давомида етказиб бераётган етакчи компаниялардан ҳисобланади.**

Бизнинг маҳсулотимиз фақатгина заводда ишлаб чиқарилганлигига кафолат берамиз ҳамда сифат ва мувофиқлик сертификатларини тақдим этамиз.

Маҳсулот бевосита ишлаб чиқарувчилардан ва уларнинг дилерларидан келтирилаётганлиги боис нархларимиз бозордагидан анча арзон.



**Манзил:**
**Тошкент ш., Бобур к., 6-уй.**
**(Бешёғочдаги собиқ пойабзал фабрикаси ёнида).**
**Тел./ факс: (8-371) 215-72-77.**
**Электрон манзилимиз: agriparts@gmail.com**

793R/665


# ОБ-ҲАВО

(10 август)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 19-24, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 17-22, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

**Республикамизнинг тоғли туманлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 255,1 ▼ - 13,2 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 241,9 ▼ - 2,8 | АРМАТУРА 3564,3 ▲ + 109,1 | ШИФЕР (1 лист) 14137 ▼ - 905 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг. |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 52546 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5